



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Бог‘от shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - aprel

818 u -son

Бог‘от shaharchasi

Фуқаро Қасимов Бахтиёр
Сабировичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Богот тумани “Намуна” маҳалласида яшовчи фуқаро Қасимов Бахтиёр Сабировичнинг “Намуна” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 мартдаги ШЯ-Қ-1028-сонли аризасини, “Намуна” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Богот туман филиалининг 2021 йил 11 мартдаги 762-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Богот тумани “Намуна” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 56,83 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 107,18 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 164,01 квадрат метр, қурилиш ости майдони 211,14 квадрат метр, умумий ер майдони 1270,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Қасимов Бахтиёр Сабировичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Қасимов Бахтиёр Сабировичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Қасимов Бахтиёр Сабиновичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу тузар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев